



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

**Ш. Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



**Лойиха ташкилотчиси:**

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

**Тузувчи:**

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

**Тақризчилар:**

З.М.Сатторов – Тошкент архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари ва кимё” кафедраси профессори, т.ф.н, профессор.

А.Ибрагимов - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

**Ушбу қўлланма**

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.**



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ иммий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан йўлак учун цемент асосли плиткалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб йўлак учун цемент асосли плиткалар ҳақида умуний маълумот

олиш, керакли хом ашё турлари, мавжуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий хужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самараదорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

**Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!**

**Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!**



## МУНДАРИЖА


Кириш	6
<b>I. Йўлак учун цемент асосли плиткалар ҳақида умумий маълумот</b>	12
1.1 Республикада йўлак учун цемент асосли плиткалар ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2. Йўлак учун плиткаларнинг ўлчамлари ва физик-механик кўрсаткичлари	18
1.3. Афзалликлари	22

1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда	26	<b>VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири</b>	<b>54</b>
<b>II. Ҳом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар</b>	<b>28</b>	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	56
<b>III. Ишлаб чиқариш технологиялари</b>	<b>34</b>	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	60
<b>IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари</b>	<b>40</b>	<b>VII. Мехнатни муҳофаза қилиши</b>	<b>62</b>
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	42	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	64
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	46	<b>VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми</b>	<b>70</b>
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	48	<b>IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби</b>	<b>72</b>
<b>V. Самарадорлик кўрсаткичлари</b>	<b>50</b>	<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	<b>74</b>
5.1 Иқтисодий самарадорлик	52		

# КИРИШ







Мамлакатимиз бўйича қурилишни жадал ўсиши қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг жадал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Қурилиш учун турли-туман материаллардан фойдаланиммоқда,

ҳаттоқи анъанавий йўлак учун цемент асосли плиткалар ҳам ўзининг етакчилик аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Бугунги кунда қурилиш материаллари ва буюмларининг энергия тежамкор, ар-

зон, пишиқлиги, қуёш ва бошқа нурлар таъсирига бардошлигиги, юқори даражадаги экологик хафсизлиги, ўрнатишнинг (ишлатишнинг, тозалашнинг) осонлиги эстетик жозибадорлиги қисқа қилиб айтганда, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчанлиги каби талаблар кўйилган. Курилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг энг муҳим вазифалари маҳаллий хом-ашёдан кенг фойдаланиш ва янги турдаги инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг сифатини ошириш ҳамда қурилиш материалларининг таннархини камайтиришdir.

Республикамизда қурилиш материаллари саноатида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ижроси доирасида янги турдаги инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш учун кулагай шароитлар яратиш, қайта ишлашга сармоялар жалб этишга қаратилган таркибий ислоҳотлар маҳаллий минерал хом-ашё ва қурилиш материаллари экспортини кўпайтиришdir.


Азалдан йўлак учун плиткалар худудни ободонлашти-

ришнинг энг содда ва енгил ечи-ми бўлган. Йўлак плиталарини ишлаб чиқариш биринчи марта Голландияда пайдо бўлди. XIX -асрнинг бошларида голандлар аллақачон плиткалардан йўллар куришни бошлишган. Плитка-лардан курилган биринчи катта йўл Амстердам ва Гарлем шаҳарларини бирлаштирган. Голландияда йўлак плиталари муваффақиятга эришганидан сўнг, кўшни мамлакатларда йўлак плиткаларидан фойдаланиш авж олди. Сўнгра, ушбу технология Америка Кўшма Штатларга етиб борган.

Кейинчалик технологиялар ривожланиши билан у ажойиб


декоратив ва меъморий хусусиятлар билан ажralиб турадиган - шаклларнинг қатъий геометрияси ва йўлак плитала-рининг ранг-баранг ечимлари нафақат бардошли, балки чи-ройли қопламаларни ҳам яратишга имкон пайдо бўлган.

Йўлак плиткалари мамлакатнинг исталган минтақасида катта талабга эга. Унинг ёрдами билан сиз шаҳар кўчаларида ва хусусий ҳудудларда ҳақиқий санъат дурдоналарни яратиши имкониятига эга бўласиз. Шу сабабли, йўлак плиталарини ишлаб чиқариш мамлактимизда ҳам энг даромадли тижорат манбайи хисобланади.





# I. ЙҰЛАК УЧУН ЦЕМЕНТ АСОСЛИ ПЛИТКАЛАР ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





## 1.1 Республикада йўлак учун цемент асосли плиткалар ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Цемент асосли плиткалар асосан йўл четларида одамлар юришига мўлжалланган йўлакларда, ховли, кўп қаватли уй, ландшафт дизайни элементларини безашда ва истироҳат боғларида фойдаланиш қулай ва материал таннархи арzon бўлганлиги сабабли кенг қўлланилади.

Йўлак плиталари кўча қопламаси учун энг қулай ва талаб қилинадиган материаллардан биридир. Асфальт қопламаси билан таққослаганда, у намлини ютилишига халақит бермайди, ўрнатиш пайтида катта меҳнат харажатлари талаб қилинмайди, шикаст етганда шикастланган жойни алмаштириш кифоя ва сирт ўзининг асл қиёфасини олади. Шу сабабли, йўлак плиталари кенг миқёсли ишлаб чиқарувчилар учун ҳам, хусусий шахслар орасида ҳам катта талабга эга бўлиши ажабланарли эмас.

Юртимизда йўлак плит-

каларини ишлаб чиқариш корхоналари жуда кўп. Мисол учун "HAN-PLITKA" МЧЖ, "ZARAFSHAN GOLDEN GROUP" МЧЖ, "YuCo" МЧЖ ва бошқа корхоналар ўз фаолиятини олиб бормода. Биргина "YuCo" МЧЖ корхонаси 2004 йилдан буён юртимизда ўз фаолиятини олиб бормоқда ва корхона ўз фаолияти давомида 500 га яқин иш ўрни яратган.

Йўлак плиталари бозори асосан минтақавий ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда 2015 йилдан 2016 йилгача МДҲ давлатларида йўлак плиталарини ишлаб чиқариш ҳажми 12 фоизга ўсади. Ишлаб чиқариш ҳажми ошишига плиталар турининг кўпайиши сабаб бўлди.

Бозор таҳлили шуни кўрсатадики йўлак плиталарини ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Масалан, дунё миқёсида

2017 йилда цемент асосли

брусчатка 2016 йилга нисбатан 12,4% күпроқ чиқарилди. Тахлиллардан шуни англаш мүмкінкі цемент асослы брусчатка ишлаб чиқарыш бозори ўртача ҳисобда йилига 12-13% миқдорда ошиб бормоқда.

Умуман олганда уй шароитида йўлак плиталарини тайёрлаш нафакат харажатларни тежаш, балки рентабеллиги 100% дан юқори бўлган мини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкониятидир.

Курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи кўпгина корхона ва ташкилотлар вибропресслар ва бошқа технологиялар ёрдамида цемент асослы плиткаларнинг бир нечта турларини ишлаб чиқаришади.





## 1.2 Йўлак учун плиткаларнинг ўлчамлари ва физик-механик кўрсаткичлари



Курилиш, ландшафт ва бош-ка бир қатор соҳаларда фойдаланишга кўра плиткаларнинг тратуарлар учун цемент асосли, майдаланган каучукли, арматураланган плитка, полимер плитка, 3D плитка каби турлари мавжуд ва уларга хозирда талаб катта.

**Тратуарлар учун цемент асосли плитка.** Совуққа чидамли ҳамда таркибида майдаланган гранит мавжуд ушбу плиткалар қопламанинг мустаҳкамлиги ва емирилишга қаршилиги юқорилиги билан ажralиб туради. Одатда тўртбурчак шаклида ва қирралари силлиқ кесилган ҳамда чекланган рангларда ишлаб чиқарилади.

**Майдаланган каучукли плиткалар.** Спорт ва ўйин майдончаларини қоплаш учун ишлатилади. У майдаланган каучук ва полиуретан елим асосида тайёрланади. Ҳажми, ранги, шакли берилган дизайнга қараб ўзгаради.

**Арматураланган плитка.** Автотураргоҳлар, автомобиль

йўллари ва бошқалар учун қопламалар яратиш учун мўлжалланган. У совуққа чидамли, бардошли, аммо ташки кўриниши чекланган. Ушбу плиткалар ичida арматура сеткаси ўрнатилади.

**Полимер плитка.** Жуда мустаҳкам эмас, лекин пиёдалар учун идеал бўлган енгил ва совуққа чидамли материал. Ушбу турдаги плиткалар юқори босим остида ишлаб чиқариш технологиясига асосланган.

**3D плиткалар.** Физикавий ва механик хусусиятлар бўйича материал оддий тратуарлар учун ишлаб чиқариладиган плиткаларга ўхшайди. Асосий фарқи 3D шакллар мавжудлигига ва унинг механик шикастланишларга чидамлилигига.

Амалиёт шуни кўрсатадики, бошланғич тадбиркор учун рўйхатдаги варианtlар орасида тратуарлар учун цемент асосли плитка энг мақбул танловга айланади.

Йўлак учун цемент асосли плиткалар кўчалар учун тобора кўпроқ ишлаб чиқарилаётга-

ни туфайли ушбу материалдан фойдаланиш кўлами сезиларли даражада кенгайди. Унинг юқори совуққа қаршилиги ва ҳарорат ўзгаришига чидамлилиги туфайли бетон ва асфалт ўрнига хам ишлатса бўлади.

Йўлаклар учун ишлаб чиқариладиган плиткаларининг сирти юқори талабларга жавоб бериши керак, шунда ҳаракат нафақат пиёдалар, балки автouловлар учун ҳам осон ва қулай бўлади. Одатда 4,5 см қалинликдаги йўлак плиткалари, қоида тариқасида, оғир транспортга бардош бериши мумкин. Шу билан бирга, йўлда оғир юклар бўлса (оғир транспорт воситаларининг ўтадиган жойлари), қалинлиги 6 см бўлган йўлка плиткаларидан фойдаланиш керак.

**Совуққа чидамлилик.** Ушбу кўрсаткич йўлак плиткаларини музлаш ва муздан эришининг қанча циклларига бардош бера олишини кўрсатади. Йўлак учун

ишлаб чиқариладиган плиткалар ўртача  $-20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда хам ўз холатини йўқотмаслиги мумкин.

**Сувни шимиш.** Йўлак плиткалари учун бу кўрсаткич тахминан 2% ни ташкил этади. Бу нимани англатади? Агар плитканинг оғирлиги 1000 гр бўлса, у 20 гр суюқликни ўзига қамраб олади. Бу, эҳтимол, йўлак плиткалариниг кичик заифлиги, чунки қишида плитка таркибида ушланиб қолган сув музлайди ва эриши натижасида улар ичкари қисмидан дарз кетиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, сувни сингдириш даражаси қанча паст бўлса, материал шунча яхши ва чидамли бўлади.

**Мустаҳкамлик.** Йўлак плиткаларининг мустаҳкамлиги плиткалар сифатининг энг муҳим кўрсаткичи хисобланади. Плиткалар камида 25 МПа юкга бардошли бўлиши керак. Лабараторияда мустаҳкамлик

параметрлари ҳар бир йүлак плиткалари учун текширилади. Бунинг учун танланган намуналар лаборатория ускунаси - пресс остига қойилади ва уни сиқилиш остида ушлаб туриш-

нинг юқори чегараси аниқлады. Маҳсулотлар харидорға жұнатилиши учун плиталар нинг мустаҳкамлиги ишлаб чиқарувчи томонидан текширилиши шарт.



### 1.3. Афзалликлари



Замонавий қурилишда йүлак тайёрланған плиткалар бошқа турдаги плиткалардан афзаллік лари туфайли кенг фойдаланилиб келинмоқда.


## АФЗАЛЛИКЛАРИ

### 1. Эстетик жозибадорлик.

Юқорида айтиб үтилганидек, йүлак учун тайёрланған плиткалар қоплама түшаладиган жой-

га үзиге хос жозиба ва чирой бағишлайды.

**2. Универсаллик.** Йүлакларни барпо этишда цемент асосли плиткалардан фойдаланиш ҳеч қачон үз долзарблизини йүқтотмаган. Сув билан тозалаш ёки цемент асосли плиткалар юзасында зарап етказа олмайдыган ювиш воситаларидан фойдаланған ҳолда ишлов бериш натижасынан.



сида ҳар йили янгидек күриниш беріб туради.

**3. Мутақаммилук.** Цемент асослы плиткалар ўзига тушадынан кундалик юкламаларга бардошли ҳисобланади. Ушбу күрсаткыч плиткалари учун жуда муҳимдир.

**4. Фойдаланиш мұддати.** Ушбу материалнинг чидамлилiği ажойибdir. Юқори сифатлы материал бир неча ўн йиллар давомида хизмат қилиши мүмкін. Цемент асослы плиткаларга тұғри ишлов берилған тақдирда ундан фойдаланиш мұддати тахминан 20-40 йилни ташкил этиши мүмкін.

**5. Табиийлік.** Табиий келип чиқиши туфайли цемент асослы плиткалар бутунлай экологик тоза материалдир. Материал ўзидан инсон саломатлиғи ва атроф мұхит учун хавфли микроэлементларни чиқармайды.

### **Бундан ташқары цемент асослы плиткалар**

- Ўрнатишинг қулайлиги;
- Нархиниг қулайлиги;
- Турли хил ранглар ва шаклардан кенг фойдаланиш;
- Агар материал синган бўлса, уни алмаштириш учун фақат биттасини алмаштириш кифоя қилиши;
- Экологик хавфсиз қурилиш материаллари таркибиغا кириши.
- Инсон саломатлигига зарарлы моддалар йўқлиги.
- Ҳарорат ўзгаришига яхши қаршилик қиласы, юқори намлика хам яхши чидамлилiği.
- Алоқа тизимлари хамда канализация тизимларини ўрнатишига қулайлигидир.
- Такрорий фойдаланиш имкониятлари каби афзалликларга эга.



## 1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда



2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш күрсаткичи 24,2 трлн сүмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сүмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллары, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соңага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллары, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш күрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сүмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сүмни ташкил этиши күтилмоқда.



## **II. МАВЖУД ХОМ АШЁ ЗАХИРАЛАРИ**





Йўлак учун цемент асосли плиткалар ишлаб чиқаришда цемент, қум, оз миқдорда пластификатор ва пигмент, шунингдек сув каби хом ашёлар ишлатилади.

**Портландцемент** сувга чидамли боғловчи модда, қурилиш материали. Таркиби асосан кальций силикатлардан иборат. Цементнинг энг кенг тарақалган тури ҳисобланади. Клинкер ва гипс (3–7%) аралашмасини жуда майин тарзда туйиш усули билан олинади. Аралашмага маълум миқдорда (10–15%) фаол минерал модда аралаштирилиши ҳам мумкин. Таркиби, хоссалари ва қўлланиш соҳаларига кўра, портландцемент оддий, тез қотувчан, гидрофоб, сульфатга бардошли, оқ рангли, асбест-цемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ва бошқаларга бўлинади. Портландцементнинг таркиби ва сифати асосан клинкернинг таркиби ва унинг қанчалик майин туйилганлигига боғлик. Унинг энг муҳим хоссаси сув билан

таъсирилашганда қотиш хусусиятидир. Бу хусусияти марка билан белгиланади, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган портландцементнинг маркаси 300 дан 600 гача (марка қанча юқори бўлса, материал шунча сифатли ҳисобланади).

**Қум** – бир-бири билан бирлашмайдиган, майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси. Тоғ жинсларининг майда бўлакча (парча)лари ва турли минералларнинг думалоқ ва қиррали заррачаларидан таркиб топган.

Пайдо бўлиш шароитларига кўра қум дарё, кўл, денгиз, флювиогляциал, элювиал, профлювиал қумларга бўлинади. Одатда, қумнинг ўлчами 0,05 мм дан 2 мм гача бўлади. Улар майда доначали (0,1–0,25 мм), ўрта доначали (0,25–0,5 мм), йирик доначали (0,5–1 мм) ва жуда йирик доначалидир (1–2 мм). Қум минералогик таркибига кўра, кварцли, глауконит-кварцли, дала шпати-кварцли ва бошқа турларга бўлинади. Таркибий қисмига қараб, бир

минералли (олигомикт) ва күп минералли (полимикт) күмларға бўлинади. Күм конлари кенг тарқалган. Кумда олтин, платина, олмос, сапфир, рубин, циркон, рутил, тита-нит, ильменит ва бошқа кўпгина қимматбаҳо минераллар мавжуд. Бу минералларнинг бир қисми фойдалли қазилма сифатида ажратиб олинади. Табиий ва сунъий (тоғ жинсларини майдалаш йўли билан олинадиган) кумдан қурилишда ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, кварцли кумдан шиша, чинни, фаянс, қурилиш керамикаси ишлаб

чиқаришда ҳамда қуйма шакллар ясашда хом ашё сифатида фойдаланилади.

Республикамизда цемент ишлаб чиқариш бўйича қатор тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда ушбу турдаги ишлаб чиқариш билан 30 га яқин ихтисослашган корхона шуғулланмоқда.

Асосий йирик цемент ишлаб чиқарувчилар - "Қизилқумцемент", "Оҳангаронцемент", "Қувасойцемент", "Бекабодцемент" ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятларидир.



2020-2022 йилларда яна 10 та янги цемент ишлаб чиқариш заводларини ишга туширишни режалаштирумокда. Бу заводлар Қорақалпогистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида дар. Адабият


Корхона номи	Ўлчов бирлиги	Цемент		
		2020 й.	2019 й.	ўсиш суратлари
«Кизилкумцемент» АЖ	минг. тонна.	3 686	3 636,0	101,5
«Охангаронцемент» АЖ	минг. тонна.	1 612,7	1 885,7	85,5
«Кувасойцемент» АЖ	минг. тонна.	859,6	980,1	87,7
«Бекабодцемент» АЖ	минг. тонна.	1 158	1 149,9	100,7
Шерабад цемент заводи (ОКМК)	минг. тонна.	1 175,6	1 078	78,4
Жиззах цемент заводи (ОКМК)	минг. тонна	923,2	928,5	95,7
Шу жумладан оқ цемент	минг. тонна	39,9	33,55	118,9
Бошқа корхоналар	минг. тонна.	3 122,3	1 332,3	234,4
<b>Жами:</b>	<b>минг. тонна</b>	<b>12 537,4</b>	<b>10 990,5</b>	<b>114</b>

Республика бўйича 2020 йилда жами цемент ишлаб чиқариш ҳажми 12 537,4 минг тоннани ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 114,1 фоизга ўсиш таъминланган.

Республикамизда индустрiali қурилишни кенг тараққиёт этиши учун маҳаллий хом ашё ресурслари асосида норуда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.



### **III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**





Йўлак учун плиткалар ишлаб чиқариш бир қатор технологиялар орқали амалга оширилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларининг ҳар бир жараённида қатъий сифат назоратини ўтказиш талаб этилади. Бу эса тайёр маҳсулотнинг сифатли ва хавфсиз бўлишини таъминлайди. Умумий жихатдан эътибор берилса қайси технология билан ишлаб чиқарилишидан қатъий назар йўлак учун плиткаларни ишлаб чиқариш

- ҳом ашёни қабул қилиш ва сифатини назорат қилиш;
- керакли миқдордаги ингредиентларни танлаш ва ундан қоришма тайёрлаш;
- қоришмани қолиларга қуйиш;
- маҳсус ускуналар ёрдамида қайта ишлаш;
- плиткаларни қуритиш;
- йўлак плиткаларини қадоқлаш ва сақлаш каби босқичларни ўз ичига олади.

Куйида йўлак учун плиткалар ишлаб чиқаришнинг 3 хил тури хақида қисқача баён қиласиз.

## 1. Вибрацияли пресс ёрда-

### мида йўлак учун плиткаларни ишлаб чиқариш.

- Тайёр қолилар вибрацияли прессга жойлаштирилади, сўнгра қолиларга қоришма қўйилади;

- Вибрацияли пресс ёрдамида қоришма керакли мустахкамлик параметрларига кўра сиқилади;

- Қолилар ускуна ёрдамида кўтарилади, ярим тайёр йўлак учун плиткалар тегишли горизонтал стол юзасида қолдирилади;

- Маҳсулотлар камераларда буғлари билан ёки 8-10 соат ичида табиий равишда қуритилади.

### 2. Гиперпресс ёрдамида йўлак учун плиткаларни ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш

- Тайёр қолилар прессга жойлаштирилади, сўнгра қолиларга қоришма қўйилади;

- Қолип ва пресснинг ўзаро яқинлашувидаги босими остида плиткалар ҳосил бўлади;

- Қолилар очилиб тайёр маҳсулотлар олинади;

- Қуритиш юқорида келтирилған усуллардан бири билан амалға оширилади.

### **3. Колиплар ва тебраниш столи ёрдамида йўлак учун плиткаларни ишлаб чиқариш (вибрацияли қуийиш)**

- Тозаланган ва мойланган колиплар тебраниш столи рамкасига жойлаштирилади;

- Қоришка махсус ускунада қолипларига қуийлади;

- Тебраниш столи қолипларга, уларнинг юзасида оқ рангли суюқлик ҳосил бўлгунча таъсир кўрсатади;

- Горизонталь ҳолатдаги ярим тайёр йўлак учун плиткалар 28-32 кун давомида қуритиш учун махсус жойларга қўйилади.



## Йўлак учун плиткалар ишлаб чиқариш технологияларининг дастлабки нархлари

1. Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган, суткасига 200x100 мм ўлчамдаги соатига  $144 \text{ м}^2$  йўлак учун плиткалар ишлаб чиқариш қувватига эга Рифей-прогресс линиясининг дастлабки нархи – 723 000 000 сўм.

2. Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган, суткасига 200x100 мм ўлчамдаги соатига  $28 \text{ м}^2$  йўлак учун плиткалар ишлаб чиқариш қувватига эга Рифей-прогресс линиясининг дастлабки нархи – 198 000 000 сўм.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида 5-8 нафар янги иш ўрни яратилиши мумкин.





## **IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ**



## 4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Мазкур норматив ҳужжат орқали цемент асосли йўлак плиткалари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, хом ашё таркибида саноат

чиқиндиларидан фойдаланиш тартиби, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сошиб олиш мумкин.

## Цемент асосли йўлак плиталари ишлаб чиқариш учун зарур наъмунавий стандартлар қуидагилар:


Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 17608-2017	Тротуарлар учун бетон плиталар Техник шартлари
ГОСТ 166-89	Штангенциркул. Техник шартлар
ГОСТ 427-75	Линейка ўлчагич . Техник шартлар
ГОСТ 965-89	Оқ портландцемент. Техник шартлар
ГОСТ 10180-2012	Бетон. Назорат намуналарининг мустахкамлигини аниқлаш усуллари
ГОСТ 10905-86	Плиталарни синовдан ўтқазиш ва маркалаш. Техник шартлари
ГОСТ 18172-80	Пигмент. Техник шартлари

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-иловаси "2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати"га мувоғифик 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



## **4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш**




**Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган.** Йўлак учун тайёрланган плиткалар учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза за тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқида ҳамда **3 иш куни ичida** тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган йўлак

учун плиткалардан наъмуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



## 4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Цемент асосли йўлак пли-  
талари ишлаб чиқаришда тур-  
ли хил ўлчов воситалардан  
фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари це-  
мент асосли йўлак плиткала-  
ри ишлаб чиқаришда маҳсулот  
сифати, стандарт талабларда  
белгиланган геометрик ўлчам-  
лардан, оғирликлардан четга  
чиқмаганлиги каби муҳим фак-  
торларни доимий назорат қи-  
лиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўз-  
бекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификат-  
лаштириш агентлигининг 2019  
йил 30 июлдаги «Метрология  
текширувидан ўтказилиши ло-  
зим бўлган ўлчов воситалари  
туркумларининг рўйхатини  
тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-**  
**сон бўйруғига** асосан **Миллий  
метрология институти томо-  
нидан қиёслов кўригидан ўт-  
казиласи**.

# V. САМАРАДОРЛИК ҚҰРСАТКИЧЛАРИ





## 5.1 Иқтисодий самарадорлик



Йүллак учун плиткалар  
ишлиб чиқариш таннархи

Харажатлар	Үлчов бирлиги 1м <sup>2</sup>	Ишлиб чиқариш бирлиги	1 кунда (100 м <sup>2</sup> сүмда)	1 ойда (2,6 минг м <sup>2</sup> сүмда)
Хом ашё	сүм	18500	1 850 000	48 100 000
Амортизация	сүм	480	48 000	1 248 000
Иш хақи	сүм	800	80 000	208 000
Бошқарув харажатлари	сүм	620	62 000	1 612 000
Ёқилғи харажатлар (жами таннархнинг 3 %)	сүм	612	61 200	1 591 200
Транспорт харажатлар (жами таннархнинг 2 %)	сүм	408	40 800	1 060 800
Бошқа харажатлар (жами таннархнинг 5 %)	сүм	1020	102 000	2 652 000
<b>Жами харажат</b>		<b>22 440</b>	<b>2 244 000</b>	<b>58 344 000</b>
<b>Сотиш баҳоси</b>		<b>33 000</b>	<b>3 300 000</b>	<b>85 800 000</b>
<b>Фойда</b>		<b>10 560</b>	<b>1 056 000</b>	<b>27 456 000</b>

2021 йил ҳолатига күра



## VI. ЭКОЛОГИК МЕЬЁРЛАР ВА АТРОФ МУХИТГА ТАЪСИРИ



## **6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар**



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган мухит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек кўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимиdir.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий мухит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим обьектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мухитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясini тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли фармонига биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш обьектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;
- иқтисодиётни экологи-

ялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа обьектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самараадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топширикларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий мухит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечеётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг күламда құлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Хозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши на-тижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум дара-жада мувозанатдан чиқмокда, бу эса ер юзида ҳәёттій жара-ён рисоладагидек кечишига хавф солмокда. Шу боисдан табиий мұхитни асраш муам-молари күп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқи-лона фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожла-ниш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига күрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мүмкін эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир күрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

- 1) Табиатдаги барча ком-понент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳо-сил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун та-бии комплексда ўзгариш рўй беради;
- 2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳара-кати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;
- 3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян дав-рийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33—35 йил-лик ва кўп йиллик);
- 4) зоналик;
- 5) регионаллик.

## 6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



**Экологик назорат** обьектла-  
ри қуидагилардан иборат:

ер, ер ости бойилклари, сув-  
лар, үсімлік ва ҳайвонот дун-  
ёси, атмосфера ҳавоси атроф  
мухитта таъсир күрсатувчи  
табиий ва техноген манбалар  
атроф муҳит ифлосланишига ва  
табиий ресурслардан нооқило-  
на фойдаланишига олиб ке-  
лиши, фуқароларнинг ҳәети ва  
соғлиғига таҳдид солиши мум-  
кин бўлган фаолият, ҳаракат ёки  
ҳаракатсизлик.

**Экологик  
назоратнинг турлари:**  
давлат экологик назорати;  
идоравий экологик назорат;  
ишлаб чиқариш экологик на-  
зорати;  
жамоатчилик экологик назо-  
рати.

**Ҳар қандай янги лойиха  
бўйича** ишлаб чиқариш корхона-  
сини ташкил этилишида **эколо-  
гия йўналиши бўйича 5 та нор-**

**матив-ҳужжат** ишлаб чиқилиши  
мажбурий тарзда қонунчили-  
гимиз билан мустаҳкамланиб  
қўйилган. Булар:

**АМТА** – атроф мухитга таъ-  
сири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

**ЭОА** – экологик оқибатлар  
аризаси ҳақидаги ҳужжат;

**ПДВ** – атмосфера қатлами-  
га чиқариладиган ташламалар  
ҳақидаги норматив;

**ПДС** – ер қатламига чиқариладиган заарарли чиқинди оқа-  
валар ҳақидаги норматив. Агар  
чиқинди сувлар канализация  
тармоғига уланса **КЭН** норма-  
тиви ишлаб чиқарилади ;

**ПДО** – ишлаб чиқариш кор-  
хонасининг фаолияти давоми-  
да ажralадиган саноат ва маи-  
ший чиқиндиларнинг худудга  
ва атрофга жойлаштирили-  
ши ҳақидаги норматив. Агар  
чиқиндилар экологик сертифи-  
катланган бўлса компенсацион  
тўловларга тортилмайди.

## VII. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ





## 7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилятигининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнода қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйилади. Меҳнат қилувчи шахс хавф-

сизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланышларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан қатъий назар барча корхона, муассаса, таш-

килотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнат-

ни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зимасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамоавий ҳимоя воситалари** — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланышлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

**зарарли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

**иш ўрни** — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий

ёки вақтингчалик бўлиш жойи;

**ишлаб чиқариш фаолияти**

— маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

**ишлаб чиқаришдаги баҳт-сиз ҳодиса** — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингчалик бўлиш жойига келаётган ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

**касб касаллиги** — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб

чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингчалик бўлиш жойига келаётган ёки турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

**меҳнат шароитлари** —

меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

**меҳнатни муҳофаза қилиш**

— меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланшини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда восита-лари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингчалик бўлиш жойига келаётган ёки турғун йўқотиши;

**ноқулай ишлаб чиқариш**

**омиллари** — заарали ишлаб чиқариш омилиниң ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилиниң мавжудлiği;

**хавфли ишлаб чиқариш омили** — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

**шахсий ҳимоя воситалари** —

**ри** — ходимга заарали ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсириниң олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.



## VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интэрактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интэрактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

### **ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

## IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорларликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилған бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар тақлиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда этибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

### **КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:**

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);
- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинадиган ёки ижарага олинадиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);
- корхона ташкил қилинганилиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);
- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. В. Александров: Тротуарлар учун плитка. Хом ашёлар ва технологиялар. 2010.
2. И. Н. Зайцев Юқори мустаҳкам бетон. СтройПРОФИЛЬ, 2007.
3. ТУ 5746-017-01331012-01. Бетон брускатка. Техник шартлар.
4. М.Г. Толочкова. Култошқоллар- актив минерал құшимча сифатида. Цемент. 1969.
5. А.А. Кальгин. Саноат чиқиндиларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиш. - М.: 2002.
6. В. М. Колбасов. Қовушқоқ материаллар технологияси. М.: Стройиздат, 1987.
7. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 6.
8. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 6.
9. Lex.uz
10. Uzsm.uz



### “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

- Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри.  
Шаҳрисабз кўчаси 3-й.
- Мўлжал:** "Ўзбекистон почтаси",  
"Ucell" бош оғиси.
- Алоқа учун:** + 998 (78) 120-35-94
- E-mail:** info@uzpsb.uz
- Сайт:** sqb.uz

### “ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

- Манзил:** Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,  
68-А уй.
- Мўлжал:** Дўстлик боғи,  
"Иchan қалъа" меҳмонхонаси
- Алоқа учун:** (71) 254-92-01
- E-mail:** info@uzqmliti.uz
- Сайт:** uzqmliti.uz



**ЙÜЛAK УЧУН ЦЕМЕНТ АСОСЛИ ПЛИТКАЛАР (БРУСЧАТКА) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУГБИЙ ҚҰЛЛАНМА**



**ЙÜЛAK УЧУН ЦЕМЕНТ АСОСЛИ ПЛИТКАЛАР (БРУСЧАТКА) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУГБИЙ ҚҰЛЛАНМА**



**Йўлак учун цемент асосли плиткалар (брұсчатка)  
ишлиб чиқариш бўйича амалий услугубий қўлланма**

**Компьютерда тайёрловчилар:**  
Эрматов Ф., Алимжонов С.

**Дизайнер:**  
Эрматов Ф.